

O'zbekiston  
Respublikasi  
ijtimoiy-iqtisodiy  
gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№122 (6.647). Sotuvda erkin narxda

## Оқсаройда қабул

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 25 сентябрь куни Оқсаройда НАТО Бош котиби Жорж Робертсонни қабул қилди.**

- Сизни нафақат НАТО Бош котиби, балки кўплаб халқро муаммолар ечимига улкан ҳисса қўшган йирик сиёсатчи сифатида ҳам ҳурмат қиламиз, - деди Ислам Каримов учрашувда. - Хусусан, НАТОнинг шаклланган ўзгаришига кўп меҳнатингиз сингган.

Ўзбекистон Евро-Атлантика ҳамкорлик кенгаши доирасида ушбу ташкилот билан самарали ҳамкорлик қилиб келаяпти. Мамлакатимиз 1994 йили НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурига қўшилганидан бундан доим унинг ташқи ишлар ва мудофаа вазирлари даражасидаги учрашувларида ҳамда ташкилотдаги етакчи кўмиталар мажлисларида иштирок этиб келадди.

Икки томонлама ҳамкорлик бир неча вазиёларни қамраб олган. Ўзбекистон ҳукумати «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида Тайёрлаш маркази тузишга қарор қилган. Унинг дастури НАТО андозалари ва талабларига асосланади.

Шунингдек, Ўзбекистон НАТО билан ҳамкорлигининг индустриал дастурини қабул қилган. У 20 йўналиш бўйича, жумладан, тинчликни сақлаш борасида кўмакдонлик-штаб ва ҳарбий дала машқлари ҳамда кидирув-қутқарув ва инсонларварлик ёрдами курсатиш операциялари каби жами 143 тадбирни кўзда tutади.

Ўзбекистон ва НАТО фуқаролик факултетида режалаштириш соҳасидаги ҳамкорлик доирасида шу йилнинг 28-



(ЎЗА)

30 апрел кунлари Фаргона вилоятида қўша машғулот ўтказди. Марказий Осиёда НАТО томонидан ташкил этилган бундай турдаги ана шу ilk машғулотда хорижий мамлакатлар ва халқро ташкилотлардан 227 вакил қатнашди.

Мамлакатимиз илм-фан, экология

каби соҳаларда ҳам мазкур ташкилот билан самарали алоқа ўрнатган. НАТОнинг Илимий кўмитаси билан ҳамкорлик изчил ривожланимоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон билан НАТО ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, ташкилот доирасида кўп томонлама ҳам-

корликни кенгайтириш, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Суратда: қабул пайти. Б.ЮСУПОВ олган сурат.

## «Дўстлик» ордени Навоий кон-металлургия комбинати жамоасига

Азиз дўстлар!  
Навоий кон-металлургия комбинати ташкил этилган кунининг 45 йиллиги муносабати билан кўп миллатли жамоангизни чин қалбидан муборақбад этиш менга катта мамнуният бахш этади.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу шонли кунда сизларнинг ҳар бирингизга, ўзининг куч-ғайратини аямай, Қизилқум минтақасининг минерал бойликларини ўзлаштиришда фидокорона меҳнат қилаётган кишиларнинг барчасига самимий миннатдорлигимни изҳор этмоқчимман.

Мустақиллик йилларида Ватанимиз эришган ютуқларида Ўзбекистон иқтисодидеги алоҳида ўрин тутган комбинатингизнинг ҳам хизматлари салмоқли, десак асло муболага бўлмади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, комбинат жамоаси собиқ иттифоқ парчалангандан кейин ҳўжалик муносабатларидаги узилиш билан боғлиқ қийинчиликларни муваффақиятли енгиб ўтди. Мустақиллик йилларида сизлар ташаббускорлик ва ишбилармонлик, ўз ишига содиқлик каби фазилатларингиз туфайли мураккаб шартларда нобҳор хонани нафақат сақлаб қолдингиз, балки уни жаҳондаги етакчи трансмилий компаниялар билан баб-бававар рақобатлаша оладиган замонавий қанчилик мажмуига айлантirdingиз.

Шуниси қувончлики, ҳозирги кунда бу ерда замонавий қорхоналар ишлаб турибди, энг янги технологиялардан муваффақиятли фойдаланилмоқда, қурилиш ва саноат индустрияси, деҳқончилик соҳаси учун хилма-хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Жаҳондаги етакчи компаниялар билан ўрнатилган мустаҳкам ва узоқ муддатли ҳамкорлик сизларга бутун тармоқнинг барқарор

ишларини таъминлаш, хорижий инвестицияларни қўлроқ жалб этиш, ишлаб чиқариш ҳажмини йил сайин ошириб бориш имконини бермоқда.

Қадрли дўстлар!  
Ишончим қомилки, сизларнинг кўпчилигингиз айнан шу ерда -Қизилқумнинг жазира-ма чўлида бахтингизни топиб, бунёдкорлик меҳнати қувончидан баҳраманд бўлдингиз. Бу ерда Ўзбекистонни ўз Ватани деб билган кўпгина миллат вакиллари яшаб, меҳнат қилмоқда. Комбинатда салоҳиятли, юксак малакали, меҳнат ваҳаётда тобланган, энг мураккаб ишлаб чиқариш вазифаларини ҳам ҳал этишга қодир, аҳил байналмилал меҳнат жамоаси шаклланди ва мустаҳкамланди. Сизларнинг шавқатли меҳнатингизни ҳамда Ватанимиз иқтисодидеги ривожлантириш ва мустақиллигини мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссангизни юксак қадрайлаймиз.

Комбинатда кўплай ёшлар - кекса авлод қаҳрамонна меҳнатининг муносиб давомчилари ишлаётганидан астойдил хурсандман. Улар - иждодий фикрловчи, энг замонавий қорхоналарда ишлашга қодир янги авлодга мансуб мутахассислардир. Биз ҳақли равишда улар билан фахрланамиз. Комбинатда ёшларга самарали меҳнат қилиш, яхши дам олиш учун барча шарт-шароитлар яратилган, махсус қанчилик институти очилган. Навоий кон-руда мажмуасининг келажғи ишончли кўлларида, деб қатий айтиш мумкин.

Аҳил жамоангизнинг барча аъзоларига чин қалбидан мустаҳкам соғлик, инсоний бахт, оилавий хотиржамлик, тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Ўзининг меҳнатидан қониқиб туйғуси қалбингизни асло тарк этмасин!

Ислам ҚАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Навоий кон-металлургия комбинатининг 45 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида

**Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга, ихлоқотларни амалга оширишга, республикамиз кон-металлургия саноатини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:**

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими»

**Аланов Мансур** - Марказий руда қони бошқармаси Темир йул транспорт бошқармасининг бошлиғи

**Емельянов Сергей Степанович** - Навоий кон-металлургия комбинати директорининг умумий масалалар бўйича ўринбосари

**Кодовев Василий Суликоевич** - Навоий кон-металлургия комбинатининг бош механиги

**Чернощочков Сергей Федорович** - Марказий руда қони бошқармасининг бош энергетиги

**Кўп йиллик самарали меҳнати ва мамлакатининг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, республикамиз кон-металлургия саноатини илғор технологияларни жорий этиш ва ўзлаштириш ишида эришган ютуқлари, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик фазилатларини намоён этганилари ҳамда жамоат ишларида фаол қатнашаётганликлари учун қуйидагилар мукофотлансин:**

«Меҳнат шўҳрати» ордени билан

**Адамчук Василий Семенович** - Марказий руда қони бошқармаси «Мурунто» қони бошқармаси «Мурунто» қони бошқармаси директори

**Маринов Виктор Федорович** - 1-Гидрометаллургия заводининг роторли экскаватор машинисти

**Орипов Рахим** - 5-Руда қони бошқармасига қарашли 1-Геотехнология руда қони қудуқлар оператори

**Пашков Александр Алексеевич** - Марказий руда қони бош-

қармаси 2-Гидрометаллургия заводининг бош муҳандиси

**Сойибов Фархат Яхшиевич** - Марказий руда қони бошқармаси 2-Гидрометаллургия заводининг цех бошлиғи

«Дўстлик» ордени билан

**Кострица Григорий Иванович** - Навоий кон-металлургия комбинати директорининг кадрлар бўйича ўринбосари

**Кустов Андрей Михайлович** - Марказий руда қони бошқармаси директори

**Лакая Николай Эдмундович** - «Навоий машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирилшмаси директори

**Мўминов Валерий Равшанович** - Навоий кон-металлургия комбинати директорининг шахарлар эксплуатацияси ва маиший масалалар бўйича ўринбосари

**Примжаров Абилхан Мусилимович** - Шимолий руда қони бошқармаси 3-Гидрометаллургия заводининг цех бошлиғи

**Сапарова Зомира Бозаровна** - Зарафшон қурилиш бошқармаси ихтисослаштирилган пардозлаш ишлари участкасининг бўёқчиси

**Степура Валерий Николаевич** - Марказий руда қони бошқармаси 2-Гидрометаллургия заводининг директори

**Толстов Евгений Александрович** - Навоий кон-металлургия комбинатининг бош муҳандиси

**Шеметов Петр Александрович** - Марказий руда қони бошқармаси қарашли «Мурунто» қони бошқармаси бошлиғи

**Шляхтин Владимир Иванович** - Жанубий руда қони бошқармаси моддий-техника таъминоти бўлимининг муҳандиси

«Шўҳрат» медални билан

**Акопян Юрий Михайлович** - Жанубий руда қони бош-

қармаси директори

**Менеметов Рустем Шукриевич** - 5-Руда қони бошқармаси бош механиги

**Паламарчук Юрий Васильевич** - Навоий кон-металлургия комбинати қасаба уюшмаси кўмитасининг раиси

**Попшой Андрей Севастьянович** - Шимолий руда қони бошқармаси Автотранспорт бошқармасининг кўп юк ташийдиган қарьер ағдарма машиналари хайдовчиси

**Пронин Николай Иванович** - Шимолий руда қони бошқармаси бош геологи

**Ражаббеов Пармон** - Марказий руда қони бошқармасининг кўп юк ташийдиган қарьер ағдарма машиналари хайдовчиси

**Саидов Муҳиддин Шарипович** - Шимолий руда қони бошқармаси 3-Гидрометаллургия заводининг майдалаш цехи тегиридонлари машинисти

**Шамин Владимир Юрьевич** - Шимолий руда қони бошқармаси 3-Гидрометаллургия заводининг директори

**Ўзбекистон Республикасининг Фахрий Ёрлиғи билан**

**Исламов Норбой Тошпалатович** - Жанубий руда қони бошқармасининг бургулаш қурилмаси машинистлари сардори

**Новиков Виталий Васильевич** - Марказий руда қони бошқармасига қарашли «Мурунто» шахтаси портлаувчиси

**Раҳмонов Абдусалом Саидович** - «Навоий машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирилшмасига қарашли 1-станкокслат цехининг тоқари

**Заитов Прназар** - Жанубий руда қони бошқармасига қарашли «С» қони қилангарлари сардори

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2003 йил 18 сентябрь

## ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАШМОҚДА

**ТОШКЕНТ (ЎЗА муҳбири Нодирбек ЎЛЖАБОВ).** Мамлакатимизга ташриф буюрган НАТО Бош котиби Жорж Робертсон 25 сентябрь кўни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси Эркин Халилов билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон-НАТО ҳамкорлиги, халқро ва минтақавий хавфсизлигини таъминлашга ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар хусусида сўз борди.

Шу кўни НАТО Бош котиби Ўзбекистон ташқи ишлар вазирини Соҳиб Сафоев ҳамда мудофаа вазири Қодир Фуломов билан учрашди. Учрашувда томонлар Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, Афғонистондаги вазият ҳамда халқро террорчиликка қарши ҳамкорликда курашишга оид масалаларни муҳокама этди.

Ўзбекистон НАТО билан мамлакатимиз қурулди кўнларини ислоҳ этиш, замонавий техника воситаларини таъмин-

лаш, террорчиликка қарши курашда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Яқин кўнларда «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида Тошкентда Тайёрлаш марказини ташкил этиш ва НАТО андозаларига мос тинчликни сақлаш батальонини тузиш юзасидан қўша лойиҳани амалга оширишга киришил режалаштирилмоқда. Шунингдек, истиқболда режалардан ҳарбий-техникавий анжомлар етказиб беришни жадаллаштириш ҳамда фуқаро мудофаса соҳасидаги ҳамкорлик кўламини кенгайтириш ҳам ўрин олган.

Кўнинг иккинчи ярмида Ж.Робертсон Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Давлат ва жаҳият қурилиш академияси профессор-ўқитувчилари ҳамда тингловчилари билан учрашди. Ўзбекистон-НАТО муносабатлари ва халқро муаммолар юзасидан фикр алмашилган ушбу учрашувда мамлакатимиз билан мазкур ташкилот ўртасидаги ўзаро алоқалар изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

## ТОШКЕНТ. ЎЗА муҳбири Назоқат УСМОНОВА/ Ўзбекистон Бадий академияси Замонавий санъат марказида Республика Таъқи ишлар вазирлиги, Тошкент Фото уйи билан ҳамкорликда «Ўзбекистон-Шотландия: НАТО раҳбари нигоҳида» деб номланган фотокургазма очилди. Ундан шу кўнларда мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган НАТО Бош котиби Жорж Робертсон ижодига мансуб эллика яқин фотоасарлар ўрин олган.

## ЎЗБЕКИСТОН НАТО РАҲБАРИ НИГОҲИДА

Кўргазманинг тантанали очилиши маросимида сўзга чиққанлар бундан кўнларда Шарқ ва Ғарб мамлакатлари ўртасида иқтисодий, маърифий, илмий, маданий алоқалар тобора мустаҳкамланаётгани ба-  
рабориди халқро терроризмга қарши курашишда ҳам ҳамжихатликда иш олиб борилаётганини таъкидлади.

Бундан уч йил аввал Ўзбекистонга келганимда қадимий Шарқнинг Самарқанд ва Бухоро каби шаҳарларида ҳам бўлган эдим,- деди Жорж Робертсон. - Ушундан нафақат азим меймоярий обидалар, балки юртингизнинг буюқ тарихи, қўша ва бой маданияти, маънавияти ва умуман самимий, бағрикенг, чеҳраси ёруқ оддий ҳамюртларингиз мени хайратга солганди. Булар ҳақидаги хис-ҳажжонимни сўз билан ифодалаш мен учун мушкул. Шу боис бу туйғу ва таассуротларимни фотосуратларга туширишга ҳаракат қилдим.

Бу ерга тўланганлар кўргазмада намойиш этилаётган фотосуратларда фаровон юртимиз, бетакрор она табиатиимиз, неча асларга тенгдош қадимий ёдгориликлар, меҳнатсевар ҳамюртларимизни қиёфаси фотоустанинг зеҳли нигоҳи орқали маҳорат билан тасвирга олинганининг гувоҳи бўлдимлар.

## “Оқ олтин”да нима гап?

**-Хайронман, нега биз тўғри йўл бўла туриб, эгри йўлни афзал қўламиз. Оқибат, қўрқ-писса деҳқончилик қиламиз, пахта ўрнида қовун-тарвуз ва бошқа экканлар...**

Фигони фалакка чиққан фермер, собиқ ҳўжалик раҳбари Раззок Аллаёровни Оқ олтин туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармасида учратдик. «Қўрқ гап озгиз йиртар, яхшиси, өзиб бериң»,- дедик. У бажонидил рози бўлди. Маълум бўлишича, у 2003 йил 30 гектар галлазордан Оқ олтин дон қорхонасига 87 тонна донни 4 миллион 785 миң сўмга сотган.

«Шартномага кўра ҳосил топширилгач, тайёрловчи менга пулни 7 кун ичида бериши керак,- дейди фермер. - Аммо бир ярим миллион сўмни қўширишга олиганим йўқ. Қорхона «Фаллабанк» пулни бермапти, деди. Банкка бордин, улар ҳамма айбини республика идораларига тўнқадди. Хуллас, баҳона кўп, пул йўқ. Бу тумандаги барча галлазор фермерларнинг дарди. Пул этишмаслигидан ҳозир келгуси йил учун урғулк ҳам ололмайамиз, ерларни тайёрлаш учун ҳам маблағ етишмаяпти. Биласиз, Оқ олтин тумани иқтисоди ночор, шу боис ширкатлар тугатилиб, ҳўкумат қарорига кўра фермерликка айланди. Энди зўр бўлади, дедик. Қаёқда, молиявий тизимдаги ноумувофиқлик - ўз пулингни ўз вақтида ололмаслигинг ислохотни йўққа чиқарапти.

Фермер галла таннархининг ошиб кетганидан сўз очди. «Бир кило селитра 70 сўм, бир кило аммофос 170 сўм, бу нарх ҳам йилга икки-уч марта ошаяпти. Тайёрлов идораси эса доннинг килосига 55 сўмдан ҳақ тўлаяпти, тагин пулни уч-тўрт ойлаб бермайти. Бундан ташқари ўтган йил кўзда даланинг ҳар гектари учун ҳайдовга 19 миң сўмдан,ёзда дон ўришга 50 миң сўмдан МТПга ҳақ тўладиқ. Техника хизматидан тўнлаш имкони йўқ, истасанг-истамасанг МТПга бора-сан. Бу ташкилот ёниглини, тракторчининг нонушасию иссиқ овқатини ҳам зимманга қўяди.

(Давоми 2-бетда)

### МАВСУМ

Деҳқон орзиқиб қутган кўнлар келди. Пахталар оппоқ бўлиб очилди. Ҳамманинг фикри-зиқри етиштирилган ҳосилни нес-нобуд қилмай, тез фурсатларда йиғилтириб олишда. Айникса, пахта тўзалаш қорхоналарида хомашёни қабул қилиш ва қайта ишлашга алоҳида эътибор берилайтир.

Фаргона вилояти «Пахтаасаноат» ҳудудий акциядорлик қилиб олиш ҳамда сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга бағишланган йилгилишда Фаргона вилояти ҳудудий бирлашмаси тизимидаги қорхоналарда тала ишлаб чиқариш бўйича яхши натижаларга эришилгани алоҳида таъкидланди.

Иш қурлол созининг машаққати ҳам оз бўлади. Вилоятдаги маъжуд 45 та пахта қабул пунктларидаги 445 донна лаборатория ускуналари тубдан таъмирланди. Пахталарни тортиш учун 74 та автомобиль тартиларни таъмирланди, дав-

## ҲОСИЛ МАҲТАЛ БЎЛМАСИН

бирлашмасига қарашли пахта тўзалаш қорхоналарида янги пахта ҳосилини қабул қилиб олиш ва қайта ишлаш, ишлаб чиқариш умумдорлигини ошириш ва сифатли маҳсулот олиш борасида бир қанча ишлар амалга оширилди.

«Хабарингиз бор, яқинда «Ўзпахтасаноат» хиссадорлик уюшмасида ўтган йилги пахта қайта ишлаш натижалари ва янги ҳосилни қабул

лат назорат қўригидан ўтказилди.

Қабул қилинган ҳосилни бетиҳтош тушириш учун 471 донна пахта узаткич мосламаси, 475 та транспортёр, 114 та гарам майдончалари, 114 та гарам бузиш ускуналари, 281 донна ҳаво сўрувчи вентилятор ва 66 донна механик шоти капитал таъмирланди, шай қилиб қўйилди.

(Давоми 3-бетда)

## ИШОНЧ МАСЪУЛИЯТИ

Республика акциядорлик-тижорат «Пахта Банк»нинг Навоий вилояти бошқармаси фаолиятида илгари кўплай нуқсонлар учраб турарди. Мижозлар билан ишлашдаги айрим сустхаликлар, кредитлаш масаласидаги, оз бўлса-да, пайдо бўлиб қоладиган норозиликлар, баззи туман бўлимларида эса айни лозим вақтда нақд пул муаммоларининг келиб чиқиши шулар жумласидан эди.

Мижозларнинг ақсариёти ҳўжаликлар ва фермерлардан иборатлигини назарда тутадиган бўлсак, вилоят аграр секторининг молиявий ҳаётда асосий ўрин тутадиган мазкур банкда бундай нуқсонлар тезда барҳам бериш тақозо этиларди. Лекин қандай қилиб? Четдан қараганда гуё ҳаммаси рисолада-етарли, миждларни молиявий қўллаб-қувватлаб туришга иқтисодий имкониётлар бор. Унда юқордаги баззи муаммоларининг боиси нимада? Нега ишлар талаб даражасида гуриллаб кетмапти? Шунда банкнинг республика бошқаруви ва вилоят ҳокимилигида бошқарманинг бошқаруви тизими андеқ бўшашиб қолмади-микан, деган мулоҳаза пайдо бўлди. Ахир биринчи раҳбарга ҳам кўп нарса боғлиқ-да. Таҳлил ва мулоҳадалар айни мана шу масалада ўзгариш ясаш лозим, деган қарорни келтириб чиқарди. Раҳбарликка шундай кадрни қўйиш лозимки, у аввало миждозлар қайфиятини, уларнинг фикр ва мулоҳазаларини, энг муҳими иқтисодий муаммоларини ҳамда мавжуд барча қийинчиликларни ҳам теран англай олсин. Бундан ушун эса бошқарма бошчиликка айнан миждозлар ичда туриб ишлаган, уларнинг барча молиявий масалаларидаги кирк-чиқарларни синчиқлаб ўрганган одам лозим эди. Суриштирувлар вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошлигининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Абдурашид Усмонов ана шундай кадр эканлигини кўрсатди.

«БАНК ТИЗИМИ» масали рисолада-етарли, миждларни молиявий қўллаб-қувватлаб туришга иқтисодий имкониётлар бор. Унда юқордаги баззи муаммоларининг боиси нимада? Нега ишлар талаб даражасида гуриллаб кетмапти? Шунда банкнинг республика бошқаруви ва вилоят ҳокимилигида бошқарманинг бошқаруви тизими андеқ бўшашиб қолмади-микан, деган мулоҳаза пайдо бўлди. Ахир биринчи раҳбарга ҳам кўп нарса боғлиқ-да. Таҳлил ва мулоҳадалар айни мана шу масалада ўзгариш ясаш лозим, деган қарорни келтириб чиқарди. Раҳбарликка шундай кадрни қўйиш лозимки, у аввало миждозлар қайфиятини, уларнинг фикр ва мулоҳазаларини, энг муҳими иқтисодий муаммоларини ҳамда мавжуд барча қийинчиликларни ҳам теран англай олсин. Бундан ушун эса бошқарма бошчиликка айнан миждозлар ичда туриб ишлаган, уларнинг барча молиявий масалаларидаги кирк-чиқарларни синчиқлаб ўрганган одам лозим эди. Суриштирувлар вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошлигининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Абдурашид Усмонов ана шундай кадр эканлигини кўрсатди.

(Давоми 3-бетда)

### СОГИНЧ

XX аср ўзбек адабиятининг забардаст чинорларидан бири, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор яратган «Сароб», «Кўшчинор чироқлари», «Ўтмишдан эрталав» сингари қатор асарлар адаб умирининг мангуликка дахлдор эканлигидан гувоҳлик бериб турибди.

Этиборингизга «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жанр-фармаси раиси, тиббиёт фан-



Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар палатаси, Ҳиндистоннинг "SAVERS IMPEKS" компанияси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий Алоқалар Агентлиги, Ҳиндистоннинг экспортни ривожлантириш Кенгаши ва Ҳиндистон элчихонаси ўзаро ҳамкорликда "Ўзқўргазмасавдо" мавжудида "SAVERS MINITECH International Expo Tashkent 2003" кўргазмасотувини ўтказмоқда.

ТАДБИРКОРЛИК ЧЕГАРА БИЛМАС

Кўргазмада Ҳиндистоннинг 35 та ийрик компаниялари томонидан 1000 дан ортиқ енгил саноат, озиқ-овқат ишлаб чиқариш, қадқоқлаш, кимё, фармацевтика, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, типография ва бошқа кўплаб технологиялар ускуналар намойиш этиляпти.

"Дастлаб Тошкент ва Бухоро шаҳарларида Ўзбекистонлик тadbиркорларнинг талабларини ўрганиб чиқдик, - деди "SAVERS IMPEKS" компаниясининг директори жаноб Винит Ростги. - Шунга кўра махсуслаш ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш технологияларини келтирдик. Уйлаймизки, тақдир этилаётган ускуналар тadbиркорларни бeфapқ қолдирмайди.

Намойиш этилаётган ускуна ва технологиялар тadbиркорлик субъектлари томонидан сотиб олишни оsonлаштириш мақсадида ҳисоб-китобнинг тadbиркорлар учун энг уқалли шакллари қўлланади. Шу мақсадда Ўзбекистоннинг 17 га яқин ийрик тижорат банклари, Лизинг компаниялари

"Ўзбеклизинг - International АК", "Ўқишлоқхўжалиқмашлизинг", "Баракализинг", Бизнес-фонд ва бошқа идоралар ходимлари ҳисоб-китобларини амалга оширишда тadbиркорларга ёрдам бeрадилар.

Кўргазма-савдода қўйилган ускуна ва технологияларга, шунингдек, Ҳиндистонда ишлаб чиқарилаётган бошқа технологияларга қўшимча талаблар умумлаштирилиб, уларни тadbиркорлар томонидан сотиб олинишни ташкил этиш Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва Тadbиркорлар Палатаси томонидан ташкил этиляпти.

Айтиб ўтиш керакки, кенг қўламдаги бундай кўргазма Тошкентда биринчи марта ўтказилмоқда. Бу ҳам тadbиркорлар учун бир имконият.

Янги ускуна ва технологиялар тақдиротида сўнг матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда "SAVERS IMPEKS" компанияси директори ва ходимлари журналистларни қизиқтирган саволларига жавоб бeрдилар.

Саид РАҲМОНОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

ҲОСИЛ МАҲТАЛ БЎЛМАСИН

(Боши 1-бетда)

Қуришти-тозалаш цехлари таъмирланиб, ўтхоналарга иссиқлик ишлаб чиқарувчи агрегатлар ўрнатилди.

Ҳосилдорлик миқдори уруғлик тайёрлаш сифатига боғлиқ. Уруғлик ишлаб чиқарадиган 6 та туқсанлаштириш ва 10 та дориллаш цехи капитал таъмирланди. Бу цехлар замонавий янги "Петкус" чигит саралаш ускуналари билан жиҳозланди.

Корхоналарни реконструкция қилишни ниятда долзарб вазифа деб зиммага олгандик, - дейди худудий бирлашма бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Э.Ғаниев. - Жорий йилда "Қўқон-2", Ўзбекистон ва Бешарик пахта тозалаш корхоналари реконструкция қилинди. Биргина "Қўқон-2" корхонасида бош бинадаги ускуналар, пахта тозалогич, тола ажратувчи, тола тозалогич, лифтерлар ва гидропресс ускуналари насос цехлари билан ижмаллаштирилиб ўрнатилди. Натijaда ишлаб чиқариш умумдорига олдди, электор сарфи камайди. Умумий иқтисодий сарфамга 74 миллион 770 миң сўмини ташкил этади.

Шунингдек, Кува, Тошлоқ, Бағдод ва Ўзбекистон пахта тозалаш корхоналарида бош корпусдаги циклон группалари реконструкция қилинди. Тошлоқ, "Қўқон-1", Ўзбекистон корхоналари насос цехларида эса гидронасослар ўрнатилди. Бешарик ва Олтирақдаги корхоналарда майда ифлосликларни тозалайдиган ускуналар ўрнатилгани ҳам айна мудабо бўлди.

Бундан ташқари жамики пахта тозалаш корхоналарида толана тортиш учун янги электрон тарозилар ўрнатилди мўлжалланаётир. "Қўқон-2", Бағдод ва Ўзбекистон корхоналарида чигитни ўлчаш учун электрон тарозилар ўрнатилди.

Вилоятдаги хўжалиқларга 50 миң дона этак, 2,6 миң дона буза қоп, 15 миң дона прицеп ёлқичлар, пахта тозалаш корхоналари ва пунктларига эса 11 миң 78 та брезент тарқатилди.

Фарғонанинг 340 миң тонналик улкан хирмонини яратиш йўлида пeнаон терларини тўққан азиз ва муқаррам пахтакорлар йиққан ҳосил маҳтал бўлмайд.

Дилмурод КИРҒИЗБОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

ИШОНЧ МАСЪУЛИЯТИ

(Боши 1-бетда)

У илгирлари анча йиллар банк соҳасида ҳам ибратли фаолият юритган, кейинчалик тажрибали кадр сифатида аграр секторга олинган, у ерда ҳам билими ва тажрибаси билан яхши ном қозонган, бинобарин, ҳар иккала тармоқни пухта биладиган раҳбарлардан саналарди. Абдурашид акани яна банк қайтариш оson бўлмади. Аграр соҳа комплекси раҳбарларининг розилигини олишга тўғри келди. Тажрибали ва билимдон раҳбар ҳамма жойда керак-да?

Бу мулоҳазалар бир ярим йил аввал бўлиб ўтган эди. Хўш, бугун "Пахта Банк"нинг Навоий вилояти бошқармаси ва бўлимларида ахвол қандай?

Хамма ишлар кўнгилдагидек юришиб кетди, - дейди республика Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси бошлиғи Ғолиб Содиқов. - Абдурашид ака айнан аграр

Кизилтепа, Хатирчи, Навоий ва Навбахор бўлимларида бу борада катта ўсиш бор. Абдурашид ака аграр сектор иқтисодиётини ҳам бошқарганлиги учун вилоятдаги қайси хўдалик ва фермерга қандай моли-

тини миқозларга яқинлаштириш борасида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги 8 ва 2003 йил 22 январдаги 38-6 сонли қарорлари дастуриламал бўляпти. Утган даврда қишлоқларда 10 га яқин мини банкларнинг очилганлиги айна мудабо бўлди. Ушбу мини банклар ҳозирги кунда қишлоқларда 660 нафар миқозга хизмат қўрсатмоқда. Энг муҳими бошқарма, унинг бўлимларида миқозларга хизмат қўрсатиш имкониятларини кенгайтириш ва яқинлаш борасида астойдил изланишлар олиб бeрилмоқда. Илгари бошқарма жойлашган бино анча таъмирталаб эди.

Бу йил Республика "Пахта Банк" бошқарувининг амалий кўмағи билан мана шу муаммо тўлиқ ҳал этилди. Бинонинг олд қисми ва барча хоналари замонавий шаклда тўлиқ жорий таъмирдан чиқарилди. Ховли сатхи чиройли тарзда тартибга келтирилмоқда.

Хуллас, "Пахта Банк"нинг Навоий вилояти бошқармасида ҳамма ишлар чинакамга юришиб кетган. Буни унинг кўпмиг сонли миқозлари ҳам чин дилдан эътироф этмоқдалар.

Шу кеча-кундузда асосий диққат-эътиборимиз Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2003 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини илчил бажаришга қаратилган, - дейди бошқарма бошлиғи Абдурашид Усмонов. - Бунинг учун вилоятда ҳамма шарт-шароитлар яратилган. 1000 та техника воситаларининг балонлари янгилаш масаласи ҳал этилди. Теримчиларга ўз вақтида ҳақ тўлаш чоралари қўрилмоқда.

Иброҳим ТОШЕВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири. Б.АКРАМОВ олган суратлар.



сектордан келганлиги боис миқозларнинг барчасини яхши танийдик, уларнинг имконият ва муаммоларидан тўлиқ баҳардор. Шу боис, вилоятда фаолият юритаётган 12 та тижорат банклари ўртасида "Пахта Банк"нинг рейтингига тобора ўсиб бeрмоқда.

Авалло, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, вилоятдаги барча нафақахўр ва бюджет ташкилотларининг ойлик сармоясини айна мана шу бошқарма ва унинг бўлимлари таъминламоқда. Бунинг учун ҳар ойда икки миллиард сўмдан зиёд нақд пул лозим бўлади. "Пахта Банк" эса бу масъулиятни ишни уддалаяпти.

Миқозлар сони ҳам кун сайин ортиб бeрмоқда. Утган қисқа даврда 100 дан зиёд юридик шахс "Пахта Банк" бошқармаси ва унинг шахар ҳамда туман бўлимларида ўз ҳисоб рақамини очди. Айна вақтда вилоят бўйича банкнинг миқозлари сони уч миңга яқинлашиб қолди.

турда сўт маҳсулотлари, Қармана туманида гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Лизинг асосида миқозларга 8 та техника олиб бeрилди. Ўз маблағлари ҳисобидан эса

миқозларга 10 та трактор, 14 та тележка ва 2 та "Алтай" русумли агрегат олишга кўмаклашди. Шу йил охиригача яна 10 дан зиёд техника олиш устида иш бўляпти. Жорий этилган барча омонат турлари бўйича ҳам эътироф бўлган миқозларнинг сони уч миңга яқинлашиб қолди. Банк хизма-



ҲАВО ЗАРБАСИ

Исроил харбийлари Ғазо шаҳрида "Ислом жиҳоди" радикал ташкилоти аъзоларига ҳужум қилган.

Маълумотларга кўра, харбийлар ва ташкилотнинг раҳбари Жавад Шахинни қўлга олиш мақсадида қочоқлар лагерига текширув ўтказётган вақтда уларга қарата ўқ узилган ва натижада Исроил аскарлари ҳам қарши ҳужум бошлашган. Ташкилот раҳбари қўлга олинганлиги ҳақида маълумот тарқатилмаган.

Ҳозирда Исроил харбий ҳаво кучлари Ғаластин муқторияти худудларига ҳаво зарбалари бeриш тўғрисида буйруқ олишган. 27 та самолёт учувчилари ўз бошлиқларига: "Биз қонунга хилоф бўлган ҳужумга ўтмоқдамиз", деб хат жўнатишган.

Исроил мудофаа вазирлиги Шаул Нофаз бу хатни аҳамиятсиз деб ҳисоблаган. Исроил харбий ҳаво кўшини қўмондонини генерал майор Дан Халул буйруқни бажармаган ҳар қандай учувчини харбий трибунал қутлишни уқитирган.

АН-140 НИ ЙИҒИШ БОШЛАНДИ

Чоршанба кuni Самара авиация заводи "Авиакор"-да биринчи Россия - Украина самолёти АН-140 ни йиғиш ишлари бошланган.

Бу лойиҳада иштирок этиш учун Украинадан 13 та мутахассис ташриф буюрган. АН-140 самолёти жорий йилнинг 1 декабригача синаовдан ўтказиш учун тайёр бўлади.

Эслатиб ўтамиз, АН-140 52 ўринли йўловчи ташиш самолёти маҳаллий парвозлар учун мўлжалланган бўлиб, учуш масофаси 3000 км ни ташкил этади.

АВТОБУСЛАР ТЎҚНАШУВИ

Минеральные води шаҳридан қалаётган икки автобус Кавказ трассасида тўқнашиб кетди. Автобусга чечен болалари бўлиб, натижада 6 киши жароҳатланган.

Улардан 2 таси ёш бола бўлган. Анапада дам олишдан сўнг 102 та чечен болалари икки автобусда уларига қайтаётган бўлишган. Орқадки автобус олдинга ўтишга уринган. Рўпарадан қалаётган "КамАЗ" юк машинасидан саккизиш мақсадида автобусни ўнгга бурган, натижада ёнма-ён қалаётган автобусга урилган. Маълумотларга кўра ҳозирда болалар Пятйгорскдаги дам олиш масканларидан бирига жойлаштирилган ва улар пайшанба кuni уй-уйларига етказилди.

ИРОҚ ИШТИРОК ЭТАДИ

Чоршанба кuni Венада нефть экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти ОПЕКнинг навбатдаги сессиясини бошланди.

НТВ телекомпаниясининг маълумотига кўра, форумдаги асосий масала Ироқдан делегациянинг иштирок этиши билан боғлиқ. Ироқ халқаро санкциялар бажармаганлиги сабабли 10 йилдан ортиқ вақт мобайнида ташкилотдан четланишган эди. Ҳозирча Ироқ ОПЕКнинг тўлақонли аъзоси этиб қабул қилинишни номўламу.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Table with columns: N, Худуд, Тармоқ ва акциядорлик жамияти номи, Нисом жамғармаси (сўм), Номинал (сўм), Савдога қўйилган акциядорлик сони (дона), Нисом жамғармаси илдги ҳиссаси (%), 1 дона акция бадос АКШ долл., Бошланч тақлиф бадос, АКШ доллариди.

Table with columns: N, Худуд, Тармоқ ва акциядорлик жамияти номи, Нисом жамғармаси (сўм), Номинал (сўм), Савдога қўйилган акциядорлик сони (дона), Нисом жамғармаси илдги ҳиссаси (%), 1 дона акция бадос АКШ долл., Бошланч тақлиф бадос, АКШ доллариди.

Эслатиб: \* - Ушбу ишларнинг мақд қилишда инвестор жамиятига қўшимча 11478 миң сўм зармин қиритиш мажбуриятини олиш лозим. \*\* - Ушбу акциялар савдога чиқариш кунига Марказий банк расий курси бўйича сўмга савдога чиқарилган.

Пул маблағларининг беҳуда сарф бўлишини истамасангиз, унда «Давиқом» Давлат инвестиция фирмаси томонидан савдолага чиқарилаётган акцияларни сотиб олинг!

(Акция - бу даромадингиз қазини!)

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 133-38-69, 136-11-65, 132-07-32

